

**ПИР СИДДИҚ МАЖМУАСИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ
(МАРҒИЛОН ШАҲРИ)**

Расулов Маъмуржон Фозилжонович, PhD

Жаҳон тарихи кафедраси доценти (в.б.), тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Фарғона давлат университети Фарғона, Ўзбекистон

A R T I C L E I N F O.

Калит сўзлар:

Тарихий, Марғилон Шахри.

Анотация

Қадимий шаҳарлари тарихини ўрганишда ёзма манбалар билан бир каторда моддий манбалар, жумладан, меъморий ёдгорликларнинг аҳамияти ғоят каттадир. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 8208 та маданий мерос обьектлари давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан 2250 таси меъморчилик, 4748 таси археологик ёдгорликлар, 678 таси маҳобатли санъат (монументал) обьектлари, 532 таси диққатга сазовор жойлардир[1]. Шунингдек, 4000 дан ортиқ моддий-маданий ёдгорликлар ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Жумладан, Фарғона вилоятида 376 та тарихий-меъморий, археологик, монументал ёдгорликлар маданий мерос сифатида рўйхатга олинган[2]. Марғилон шаҳридаги мавжуд 41 та моддий маданий мерос сифатида рўйхатга олинган обьектлардан 33 таси меъморий ёдгорликлар, 1 таси монументал ёдгорлик, 7 та диққатга сазовор жой (Хўжа Маъз ва Мўйи Муборак ёдгорлиги, Пури Сиддиқ, Киргилазиз, Хожа Фарсо, Бурхониддин Марғинони ёдгорлиги, Сайид Абдуллахон ва Улуг Мозор зиёратгоҳи)дир. Шундан 33 та меъморий ёдгорлик биноларидан 27 таси бугунги кунда давлат ва жамаоат ташкилотлари фаолият юритиб келмоқда[3].

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Марғилон шахри, хусусан, меъморий ёдгорликлар ҳақида ҳужжатларга асосланган маълумотлар Фарғона вилояти ҳарбий губернаторлигининг статистик маълумотларида келтирилади[4].

Юқоридаги статистик маълумотларда 1899 йилда Эски Марғилон (ҳозирги Марғилон) шаҳрида 50 та мактаб (шундан 9 таси аёлларники), 37 та мадраса, 23 та қориҳона[5], 254 та масжид[6] мавжудлиги ҳақида хабар беради.

Мазкур рақамлар XIX аср охири – XX аср бошларида Марғилон шаҳридаги маданий-маънавий ҳолат, бу ердаги илмий салоҳият ҳақида маълумот берар экан, ушбу муҳитнинг пойдевори, тамал тоши тарихнинг ўнлаб асрлари қаърига сингиб кетганига ишорадир.

Ҳозирги кунда моддий ва маънавий қадриятларнинг асосини ташкил этувчи юқорида тилга олинган меъморий ёдгорликлардан фақатгина Пир Сиддиқ мажмуаси (XVIII аср ўрталари), Хўжая

Мағиз мақбараси (XVIII асрнинг биринчи ярми), Чокар, Торонбозор масжидлари (XX аср бошлари), Саидаҳмад Эшон мадрасаси[7] (XIX аср охири)ларигина сақланиб қолган.

Ўз даврида Марғилон шаҳрининг кўрки бўлган Пир Сиддик (Каптархона) мажмуаси мақбара, масжид, каптархона, қабристон, минора ва дарвозахонадан иборат бўлган.

Марғилонда яшаб ўтган қарияларнинг айтишларича, мажмуада биринчи бўлиб ислом тарғиботчиси – Сиддик дағн этилган сағана устига мақбара қурилган. Шу сабабли бу мақбара “Пир Сиддик” ёки “Пури Сиддик” мақбараси деган ном олган. Шунга асосланиб, мақбара қурилишини Фарғона водийсида араблар истилоси даврларига тааллуқли деган холосага келиш мумкин. Қурилиш услуби ва унда ишлатилган қурилиш ашёларига қараганда, мақбаранинг қурилиши ўша давр қурилиш иншоотлари услубига мос келади. Даврлар ўтиши билан мақбаранинг атрофида масжид, дарвозахона, каптархона, минора каби бинолар қурилиб, яхлит бир меъморий мажмуа пайдо бўлган. Меъморий тузилишига кўра, мажмуадаги масжид биносининг қурилиши таҳминан XIX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади.

Марғилонликлар орасида “Пир Сиддик” мақбараси номи билан боғлиқ қуидагича афсона мавжуд: унга кўра, бир куни авлиё Пир Сиддик уни таъқиб қилаётган душманлардан қочиб, бир горнинг ичига яширинади. Шунда каптарлар бу горнинг оғзига ўз инларини қуриб, ғорга кириладиган йўлни ёпдилар. Пир Сиддиқни таъқиб қилиб ғоргача келган душманлар ғор оғзида каптарлар уя қуриб яшаётганини кўриб, “бу ерда одамзод бўлиши мумкин эмас, бўлмаса, каптарлар бундай тинч ўтиришмаган бўлишарди”, –деб бу ердан жўнаб кетишади. Каптарлар шундай ақлли ҳаракатлари билан Пир Сиддиқни душманлардан кутқариб қолган экан.

Мажмуадаги каптархона биноси масжид биноси билан деярли бир вактда, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмида қурилган. Каптарларга бу ернинг қадимий ва илоҳий жонзотлари деб қаралган, шу сабабли уларга зиён-заҳмат етказмаганлар.

Мажмуадаги каптарларга келсак, ҳалқ орасида уларга ҳам тааллуқли қизиқарли маълумотлар мавжуд. Жумладан, ҳалқ орасидаги афсоналардан бирида гўёки Пир Сиддик ўзи билан бир жуфт каптарни Арабистондан олиб келган, бу каптарлар муқаддас ҳисобланниб, уларни ўлдириш ёки шикаст етказиш гуноҳ ҳисобланган ва аксинча, уларга дон-дун бериб, бемалол яшашлари ва кўпайишлари учун шароит яратиб берганлар. Марғилон ҳалқи каптарларни муқаддас ҳисоблаб, эъзозлаганига шубҳа йўқ, чунки иқтисодий қийинчилик, очарчилик даврларида ҳам одамлар каптарларни тутиб емаганлар. Шунинг учун, каптарлар бу ерда асрлар давомида ўзларидан-ўзлари кўпайиб яшаб келмоқда ва мажмуанинг ўзига хос рамзи бўлиб қолмоқда.

Масjid биноси олдида жойлашган минора эса, 1920 йилда қурилган. Бу ҳақда кириш эшигининг тепасига ғиштдан терилган ёзув-лавҳа далолат беради. Ерлик аҳолининг ҳамда меъмор В.Л.Воронинанинг “Фарғона вилояти ҳалқ меъморчилиги” (1940 й.) асаридаги маълумотларга кўра, минора марғилонлик Уста-Кичик деган шахс томонидан қурилган.

Собиқ иттифоқ даврида мутабид тузумнинг тоталитар сиёсати Пир Сиддик мажмуасини ҳам четлаб ўтмади. Мажмуанинг дарвозахонаси орқасидаги икки қаватли бино бузиб ташланган, натижада дарвозахона пештоқи ҳам заарланиб, ярим вайронга ҳолатига тушиб қолган. Мажмуанинг бузилмай сақланиб қолган бинолари эса, омборхона сифатида фойдаланилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида эса, бу биноларга кўчириб келтирилган русийзабон аҳоли жойлаширилган. Мажмуада охирги қурилиш ишлари 1956 йилда бажарилган[8].

1990 йилларга келиб мажмуада дастлабки таъмирлаш ишлари бошланган. Ҳозирги кунда Пир Сиддик мажмуаси давлат муҳофазасига олинган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, илмий-тадқиқотлар натижасида тарихимизнинг янги-янги сахифалари ўзбек ҳалқининг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини бутун дунёга намойиш қилмоқда, ўзбек миллатининг, мамлакатнинг жаҳон маданий меросида ўз ўрнини янада

мустаҳкамланишига асос бўлмоқда. Аждодлар яратаган маданий-маънавий мерос бутун жаҳон маданияти равнақига улкан ҳисса қўшган ва унинг ажралмас қисмига айланиб, умумбашарий қадриятлар сифатида тан олинмоқда.

Тарихий қадриятларининг моддий ва маънавий асослари, албатта, Республикадаги маданий, меъморий ва ёзма ёдгорликларда, мана шу ёдгорликларнинг асосий қисми жойлашган шаҳарлар ва уларнинг асрлар силсиласида тутган ўринларида намоён бўлади.

2005 йил 9 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан қабул қилинган “Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори ва бу тадбирларда ЮНЕСКОнинг иштирок этиши Ўзбекистон тарихининг очилмаган яна бир янги сахифасини бутун жаҳон ҳамжамиятида намоён қилиш имкониятини яратади.

Адабиётлар:

1. <https://www.pv.uz/uz/news/moddiy-madaniy-merosning-royxati-tasdiqlandi>
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк обьектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”. Тошкент, 2019 йил 4 октябрь, 846-сон.
3. Фарғона вилоятидаги моддий маданий мерос сифатида рўйхатга олиш учун рўйхатга киритилган обьектларни ўрганиш бўйича вилоят ишчи гурухи томонидан ўрганиш юзасидан маълумотнома (2017 йил).
4. Обзор Ферганской области за 1899 год. г. Новый Маргилан. 1900. С. 31.
5. Тамже. С. 246-247.
6. Обзор Ферганской области за 1900 год. г. Новый Маргилан. 1901. С. 122.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003. Т. 5. Б. 496.
8. Азимов И. Архитектурные памятники Ферганской долины. Т.: “Узбекистан”. 1982. С. 45-46.